Аслида буюк истиқлолимиз илдизлари уч минг йилдан зиёд бўлган давлатчилик анъаналаримиз ва қадимий цивилизациямиз тарихига бориб тақалади.

Биринчи ва Иккинчи Ренессанс даврида Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Мир Алишер Навоий каби буюк алломаларимиз башарият тафаккури хазинасини бойитган.

Соҳибқирон Амир Темур бобомиз барпо этган давлат эса адолат ва бунёдкорлик тимсоли сифатида тарих зарварақларидан муносиб ўрин олган.

Ватан озодлиги ва миллий истиқлол йўлида жонини фидо қилган Беҳбудий, Мунавварқори, Фитрат, Қодирий, Чўлпон каби жадид боболаримизнинг ҳуррият ҳақидаги орзу-ниятлари бугун Янги Ўзбекистонда тўлиқ рўёбга чиқмоқда.

Мустақиллик, энг аввало, бизга шону шарафимизни, муқаддас динимизни, она тилимизни, унутилаётган миллий қадриятларимизни қайтариб берди.

Истиқлол туфайли биз ўзлигимизни англадик, номи ҳамиша эъзозда бўлган ота-боболаримизнинг муносиб ворислари эканимизни бутун дунёга намоён этдик.

Ушбу ҳаяжонли дақиқаларда бугунги эркин ҳаёт учун жонини фидо қилган улуғ аждодларимиз, жадидлар хотирасига таъзим бажо келтирамиз.

Президент Шавкат МИРЗИЁЕВнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз беш йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқидан

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

ADOLAT

https://adolat24.uz/ t.me/Gazeta_Adolat

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA № 35 (1603) 2026-YIL 4-SENTYABR, JUMA



Муҳаррир минбари

АВВАЛ ШУКРОНА АЙТ...



Ислом ҲАМРО

Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 35 йиллиги муносабати билан халқимизга йўллаган табрик-маърузаси босиб ўтган тараққиёт йўлимизга назар ташлаш, сўнгги йилларда эришилган натижаларни сарҳисоб қилиш ва келажак учун аниқ мақсадларни белгилаб олиш мазмунидаги тараққиёт концепцияси бўлди.

Унда келажак авлодларимизга қолдирилажак Янги Ўзбекистон қандай бўлиши кераклиги ҳақидаги қарашлар ҳам очиқ ифода этилди. Биз қаердан келдик, бугун қаердамиз ва энди қаерга бормоқчимиз? Бу саволларнинг ҳар бири жамият учун долзарб. Чунки мустақиллик фақат тақвимдаги сана ёки давлат байрамигина эмас. У, аввало, халқнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи, миллий давлатчилик, эркин фикр, иқтисодий мустақиллик, маънавий ўзлик ва келажак учун масъулият тушунчаларининг бир нуқтадаги мужассамидир.

Юқоридаги сатрларни қоғозга тушира туриб, Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон Халқ шоири устоз Абдулла Ориповнинг қуйидаги сатрлари ёдимга тушди:

Аввал шукрона айт, парча нон учун,
Сўнг қултум сув учун шукрона такрор.
Чунки бу дунёда яширмоқ нечун,
Сенга шуларни ҳам кўп кўрганлар бор...

Давлат раҳбари маърузасини эшита туриб ушбу тўртликни бекорга ёдга олмадим.

2

Депутат ва сайловчи

ТАШАББУСЛИ БЮДЖЕТ:

ХАЛҚНИНГ ХОҲИШ-ИСТАКЛАРИ ДАВЛАТ СИЁСАТИГА АЙЛАНМОҚДА

Бир қарашда бу оддий йўл таъмири бўлиб кўриниши мумкин. Аслида эса унинг ортида йиллар давомида орзу қилинган қулайлик, ҳар куни ишга, ўқишга, бозор ва бошқа манзилларга қатнайдиган минглаб инсонларнинг манфаати мужассам.

Мустақиллигимизнинг 35 йиллиги нишонланаётган шу кунларда “Адолат” СДП Наманган вилоят кенгаши ишчи гуруҳи “Наврўз” маҳалласида бўлиб, амалга оширилган ишлар билан танишди.

Маҳалла раиси Ҳусанбой Азизовнинг таъкидлашича, йўл муаммоси аҳоли учун анча вақтдан буён долзарб бўлиб келган.

3

ИҚТИСОДИЙ ЎСИШДАН СИФАТ САРИ



Бу жараённинг марказида таълим ва илм-фан туради. Мактаб мустақил фикрлайдиган шахсни тарбиялайдиган муҳитга, университет эса нафақат мутахассис тайёрлайдиган, балки янги билим ва технологиялар яратадиган марказга айланиши керак. Айниқса, меҳнат бозори тез ўзгараётган шароитда инсоннинг бир марта касб эгаллаши эмас, бутун умр давомида билим ва кўникмаларини янгилаб бориш имконияти стратегик аҳамият касб этади.

5

АВВАЛ ШУКРОНА АЙТ...

Азиз газетхон, шу ўринда ўттиз беш йил ортга қайтиб, илк Мустақиллик байрамини бир ёдга олинг.

ЎТТИЗ БЕШ ЙИЛ ОРТГА ҚАЙТИБ, ЎША ДАВРДАГИ ВА БУГУНГИ ТОШКЕНТНИ БИР-БИРИГА СОЛИШТИРИБ КЎРИНГ.

ЎТТИЗ БЕШ ЙИЛ ОРТГА ҚАЙТИБ, ЎША ДАВРДАГИ ВА БУГУНГИ ТАРАҚҚИЁТ ЎРТАСИДАГИ ФАРҚНИ ХОЛИСОНА ТАҲЛИЛ ҚИЛИБ КЎРИНГ.

ЎТТИЗ БЕШ ЙИЛ ОРТГА ҚАЙТИБ, ЎША ДАВРДАГИ ТОЛИБИ ИЛМЛАР БИЛАН БУГУН ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ЁШЛАР ЎРТАСИДАГИ ТАФОВУТГА НАЗАР ТАШЛАНГ.

ЎТТИЗ БЕШ ЙИЛ ОРТГА ҚАЙТИБ, АЙНИ КУНЛАРДА ПАХТА “ДАЛАЛАРИДА ЖАВЛОН” УРАЁТГАН ЎҚИТУВЧИЛАР, МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ-Ю ТАЛАБАЛАРНИ КЎЗ ОЛДИНГИЗГА КЕЛТИРИБ КЎРИНГ ВА УЛАРНИ БУГУНГИ ЁШ АВЛОД БИЛАН ҚИЁСЛАНГ.

ЎТТИЗ БЕШ ЙИЛ ОРТГА ҚАЙТИБ...

Агар кеча билан бугунни солиштирамиз десак, жуда-жуда кўп сабаблар бор.

Мақтанамиз десак, ўтган ўттиз беш йилда қўлга киритилган кўпдан-кўп ютуқларимиз бор.

Фақат Миллат, Ватан, Мамлакат тараққиётини кўриб турган кўзимизда, дилимизда шукрона борми?!

Устоз шоир айтмоқчи, “бизга шу кунларни ҳам кўп кўрганлар бор”лигини унутиб қўймаяпмизми?!

Назаримда юқоридаги саволларни ҳар биримиз, ҳар куни, ҳар дақиқада ўз-ўзимизга бериб туришимиз керак...

Давлатимиз раҳбари ўз маърузасида тарихимиз илдизлари уч минг йилдан зиёд даврга бориб тақалиши, Биринчи ва Иккинчи Ренессансдаги буюк алломалар мероси, жадид боболаримизнинг миллий озодлик ва маърифат йўлидаги курашларини бир тарихий занжир сифатида тилга олди. Бугун олдимизда турган вазифалар ҳам айнан шу нуқтада тарих билан боғланади. Ўтмишда жаҳон илм-фани тараққиётига улкан ҳисса қўшган буюк юртнинг бугунги авлодлари энди сунъий интеллект, рақамли иқтисодиёт, биотехнология, космик индустрия ва замонавий муҳандислик каби соҳаларда ўз сўзини айтиши керак. Демак, тарихий меросга ҳурмат янги билим ва янги натижаларга айланиши лозим.

Нутқнинг энг муҳим ғояларидан яна бири инсон қадри масаласидир. Сўнгги йилларда давлат бошқаруви ва ислоҳотлар ҳақидаги расмий дискурсда “Инсон қадри учун!” шиори кўп бор янгради. Аммо ҳар қандай шиорнинг ҳақиқий қиймати унинг одамлар ҳаётида қанчалик акс этиши билан ўлчанади.

Давлатимиз раҳбари ушбу тушунчани аниқ ўзгаришлар билан боғлади. Пахта қуллиги, мажбурий ва болалар меҳнати, конвертация чекловлари, прописка каби одамларни йиллар давомида қийнаб келган муаммоларга барҳам берилганини таъкидлади.

Бу ерда гап фақат муайян маъмурий тўсиқларни олиб ташлаш ҳақида эмас. Масаланинг чуқурроқ моҳияти шундаки, ўн йил аввал фуқароларнинг давлатга муносабати ўзгариши керак эди. Давлатни инсон манфаатларига хизмат қиладиган тизим сифатида қайта ташкил қилиш эҳтиёжи пайдо бўлганди. Бу жуда катта ижтимоий маънога эга. Чунки иқтисодий ўсишни статистикада ўлчаш мумкин. Янги заводлар сонини кўпайтириш мумкин. Инвестициялар ҳажмини ошириш мумкин. Аммо жамиятдаги ишончни рақамга солиш анча мураккаб.

Аслида давлат тараққиётининг энг муҳим кўрсаткичларидан бири ҳам шу – фуқаро эртанги кунига ишонадими? Тадбиркор янги иш бошлашдан қўрқмайдими? Ёшлар ўз билими ва қобилиятига мос шароитга эгами? Одамлар давлат идорасига мурожаат қилганда ўзини ҳимояланган ҳис қиладими?

Агар жамиятда ана шу ишонч муҳити шаклланса, ислоҳотлар қоғоздаги қарорлар мажмуасидан жонли ижтимоий жараёнга айланади.

Албатта, мустақил давлатнинг сиёсий эркинлиги унинг иқтисодий имкониятлари билан ҳам чамбарчас боғлиқ.

Президентимиз нутқида валюта, солиқ, божхона ва инвестиция сиёсатидаги ўзгаришларга алоҳида эътибор қаратилгани ҳам бежиз эмас.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, илгари йилига 2-3 миллиард доллар хорижий инвестиция киритилган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 40-50 миллиард долларга етди. Инвестиция ортидан технология, бошқарув маданияти, янги бозорлар, янги касблар ва рақобат муҳити кириб келиши тайин.

Энди мамлакат қанча маблағ жалб қилди, деган савол билан бирга, бу маблағлар қандай соҳаларга киритилди, қанча қўшилган қиймат яратилди, қанча юқори малакали иш ўрни пайдо бўлди, маҳаллий корхоналарнинг технологиявий салоҳияти қанчалик ошди, деган саволлар ҳам доимо кун тартибида туриши керак. Давлатимиз раҳбари ЯИМ ҳажмини 2030 йилга бориб 300 миллиард долларга етказиш вазифасини белгилагани шундан далолат бермоқда.

Президентимиз таълим тизимига алоҳида тўхталди. Сўнгги ўн йилда мактабларда 1,5 миллион қўшимча ўқувчи ўрни яратилгани, мактабгача таълим қамрови 78 фоизга етгани, Президент, ижод ва ихтисослашган мактаблар тармоғи кенгайгани таъкидланди. Олий таълимда талабалар сони 1 миллион 600 минг нафарга етгани айтилди. Эндиги вазифа таълимда сифат ва самарадорликни янги босқичга кўтариш сифатида белгиланди.

Сифатли таълим дегани – мустақил фикрлайдиган, муаммони таҳлил қиладиган, янги билим яратадиган ва уни амалиётга татбиқ эта оладиган инсонни тарбиялаш демакдир.

Шу маънода келгуси йилларда камида 10 та университетни дунёнинг TOP-1000 рейтингига киритиш вазифаси муҳим аҳамиятга эга.

Шунингдек, талаба ёшларнинг ярмидан кўпини хотин-қизлар ташкил этаётгани Учинчи Ренессанснинг ўзига хос аломати сифатида баҳоланди. Бу фикрнинг замирида жуда муҳим ижтимоий ҳақиқат бор.

Билимли қиз – фақат бир мутахассис эмас. У келажакда оиланинг маънавий муҳитини шакллантиради. Аёлнинг билим даражаси фарзанд тарбиясига таъсир қилади. Унинг касбий салоҳияти оила иқтисодиётини мустаҳкамлаши мумкин. Хотин-қизлар таълимига киритилаётган инвестиция самараси кейинги авлодларда ҳам намоён бўлади.

Маърузада IT, сунъий интеллект ва креатив иқтисодиётга алоҳида урғу берилди. 10 миллион ёшни рақамли индустрия ва келажак касбларига олиб кириш мақсади белгиланди.

Жаҳон иқтисодиётида меҳнатнинг мазмуни ўзгармоқда. Илгари катта ишчи кучи талаб қилган кўплаб жараёнлар энди автоматлаштириляпти. Янги касблар пайдо бўлмоқда, айрим анъанавий касблар эса бутунлай янги кўринишга кирмоқда. Бундай шароитда ёшларга фақат анъанавий билим бериш етарли эмас. Уларга ўзгариб бораётган меҳнат бозорига мослашиш қобилияти ҳам керак.

Маърузанинг энг диққатга сазовор қисми, шубҳасиз, келгуси йиллар учун белгиланган етти миллий дастур бўлди. Уларнинг ҳар бири давлат ва жамият ҳаётининг алоҳида бир устунига қаратилган.

Биринчи дастур – билим ва малакани асосий капиталга айлантириш.

Иккинчи дастур – аҳоли саломатлиги ва узоқ умр кўришини таъминлаш.

Учинчи дастур – иқтисодиётни юқори технология ва меҳнат унумдорлиги моделига ўтказиш.

Тўртинчи дастур – сув ва табиатга муносабатни тубдан ўзгартириш.

Бешинчи дастур – суд мустақиллиги ва қонун устуворлигини таъминлаш.

Олтинчи дастур – маҳаллани жамият тараққиётининг асосий буюртмачисига айлантириш.

Еттинчи дастур – Ўзбекистоннинг тинчлик ва дўстлик диёри сифатидаги халқаро нуфузини янада юксалтириш.

Ушбу етти йўналишга биргаликда қаралса, уларнинг бир-биридан ажралган вазифалар эмаслиги кўринади.

Таълим иқтисодиёт учун кадр тайёрлайди. Иқтисодиёт инсон фаровонлиги учун ресурс яратади. Соғлиқни сақлаш инсон капиталини асрайди. Экология ҳаёт сифатини белгилайди. Қонун устуворлиги иқтисодий ва ижтимоий ишончни таъминлайди. Маҳалла давлат сиёсатини одамларга яқинлаштиради. Тинчлик ва самарали ташқи сиёсат эса барқарор тараққиёт учун ташқи муҳит яратади.

Демак, етти дастурни бир бутун миллий тараққиёт занжири сифатида кўриш жоиз.

Президентимиз ўз маърузасида *“Адолат қарор топган жойда иқтисодий ўсиш ҳам, ижтимоий ишонч ҳам юксалади”* деган ғояни илгари сурди. Бу иқтисодиёт, сиёсат, фуқаролик жамияти ва инсон ҳуқуқларига дахлдор масаладир. Шу жиҳатдан ҳуқуқий тарбияни мактабдан бошлаш вазифаси қўйилгани ҳам муҳим. Шунда қонунга риоя қилиш мажбурият эмас, жамият маданиятига айланади.

Мустақиллик ҳақида гап кетганда байроқ, герб, мадҳия, чегара ва давлат институтлари ҳақида сўз юритамиз.

Аммо мустақилликнинг яна бир кўринмас, лекин жуда муҳим белгиси бор. Бу – мустақил тафаккур.

Мустақил фикрлайдиган инсон тайёр қолиплар билан чекланмайди. Таҳлил қилади, янгилик яратади. Бундай инсонлардан иборат жамият эса ўз келажагини ўзи барпо қила олади.

Шу маънода маърузада билим, мустақил фикр ва янги авлод мутахассисларига катта эътибор берилгани мустақиллик ғоясининг замонавий талқинидир.

Президентимиз ўз нутқи якунида Ўзбекистоннинг “олтин даври” ва янги буюк тарихини биргаликда яратиш ғоясини илгари сурди.

“Халқ ва давлат ягона мақсад йўлида бирлашиб, астойдил ҳаракат қилсак, забт этиб бўлмайдиган марраниг ўзи йўқ” деган даъватнинг моҳияти ҳам шунда.

Мустақилликнинг дастлабки 35 йили бизга шундай давлатчилик сабоқларини берди. Келгуси ўн йиллик эса натижалар даври бўлиши керак.

Эртанги Ўзбекистон эса бугунги қарорлар, бугунги меҳнат ва бугунги авлод қўли билан қурилади.

Шундай экан, тарих олдидаги савол оддий: биз келажак авлодга қандай Ўзбекистон қолдирамиз?!

Жавоб эса бугундан бошланади.

Хулоса ўрнида айтмоқчи бўлганимиз, устоз Абдулла Орипов ёзганларидек, “бизга шу кунларни ҳам кўп кўрганлар бор”лигини унутмасдан, ўтганлардан “айб”, ютуқлардан камчилик ахтариб эмас, аксинча, тинчлик-осудаликда ўтган ҳар бир кунимизга шукрона айтиб, қўлни-қўлга бериб, бир ёқадан бош чиқариб, бир миллат, бир халқ бўлиб, Янги Ўзбекистонни қуриш, Учинчи Ренессансни яратиш йўлида бирлашсак, асло кам бўлмаймиз.

Муносабат

Давлатимиз раҳбари раислигида камбағалликни қисқартириш ва аҳоли даромадларини ошириш бўйича ишларни янги босқичга олиб чиқиш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ: ЯНГИ БОСҚИЧ, ЯНГИЧА ТАЛАБ ВА МАСЪУЛИЯТ



Озода ПАРПИБОЕВА,
Ўзбекистон “Адолат” СДП
Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари

Бу ҳар бир инсон ва оиланинг турмуш даражасини реал асосда баҳолаш, мавжуд имкониятлар ва йўл қўйилган камчиликларни таҳлил қилиб, бартараф этиш ҳаётий зарурат ҳисобланади. Таъкидланганидек, йил бошида республикада камбағаллик даражаси 5,8 фоизни, эҳтиёжманд аҳоли сони 2 миллион 200 минг нафарни ташкил этган. Бугун бу кўрсаткич 1 миллион 500 минг нафарга қисқарди.

Ишни тўғри ташкил қилган 49 та туман ва 3 минг 429 та маҳалла ишсизлик ва камбағалликдан холи ҳудудга айланаётгани эришилган натижаларнинг амалий исботидир. Бироқ барча ҳудудларга бир хил ваколат, ресурс ва имкониятлар берилган бир пайтда, қолган 159 та туман ва шаҳар ҳамда 5 минг 536 та маҳалладаги масъуллар фаолиятида натижа кўринмаётгани танқид қилинди.



Рақамлар буни яққол кўрсатиб турибди. Хусусан, ўтган даврда Шароф Рашидов ва Қарши туманларига бир хил – 2 триллион 300 миллиард сўмдан кредит ресурси берилган бўлса-да, натижалар кескин фарқ қилмоқда. Шароф Рашидов туманида 30 минг аҳоли камбағалликдан чиқарилиб, бир кишига ўртача 78 миллион сўм тўғри келган бўлса, Қарши туманида 13 минг эҳтиёжмандниг шароити яхшиланиб, бир кишига ўртача 176 миллион сўм сарфланган.

Худди шундай ҳолат Қамаши ва Пискент туманларида ҳам кузатилган: Қамашида 28 минг, Пискентда эса атиги 4,5 минг камбағал аҳоли бу тоифадан чиқарилган. Натижада Пискентда ҳар бир одамни камбағалликдан чиқаришга 250 миллион сўм кредит тўғри келгани ҳолда, бошқа ҳудудларда шунча пулга саноатда юқори даромадли доимий иш ўринлари яратилаётгани таъкидланди.

Йиғилишда Хоразм вилояти мисолида амалга оширилган таҳлиллар асосида мутлақо янги тизим жорий қилиниши белгиланди. Унга кўра, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари бутун иқтисодий комплекс билан ҳафтада уч кун фақат камбағаллик ва бандлик масалалари билан шуғулланади, ҳар бир ҳудудда ҳоким бошчилигида махсус штаблар ташкил этилади.

Қурилиш, хизматлар ва саноат соҳасидаги бўш иш ўринларидан келиб чиқиб, ишсиз ва кам даромадли аҳолини корхоналар талаби асосида касбга ўқитиш, ёшлар ҳамда бола парвариши билан банд аёллар билан манзилли ишлаш тизими йўлга қўйилиши белгиланди.

Дарҳақиқат, камбағалликни қисқартириш – инсоннинг фаровон ҳаётини таъминлаш демакдир. Биз, “адолатчилар” инсон қадрини юксалтириш, ижтимоий адолат ва қонун устуворлигини сўзсиз таъминлаш тарафдоримиз. Сайловолди дастуримизда ҳам камбағалликни қисқартиришга йўналтирилаётган ҳар бир бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларнинг қатъий мақсадли ҳамда манзилли сарфланишига эришиш устувор вазифа қилиб белгиланган. Зеро, давлат кўмаги чинакам муҳтожларга етиб бориши ва ҳар бир фуқаро ўз меҳнати билан муносиб даромад топиши учун барча имкониятлар ишга солиниши шарт.

Шундай экан, барча бўғиндаги раҳбарлар ўз иш услубини тубдан ўзгартириб, ҳар бир маҳалла ва хонадон билан жонли мулоқот асосида иш олиб бориши лозим. Зотан, давлат ва жамоат идораларининг энг олий мақсади – халққа хизмат қилиш ва розилигига эришишдир.

ТАРАҚҚИЁТ КЎЛАМИ ҳаётимизда акс этмоқда

Мамлакатимизда байрамона шукуҳ кезиб юрибди. Аслини олганда, ўттиз беш йил – тарих учун қисқа давр. Инсон умри учун эса салмоқли бир палла. Шу йиллар ичида бир авлод улғайди, мамлакатнинг қиёфаси ўзгарди, жамиятнинг эҳтиёж ва интилишлари янгиланди. Энг муҳими, одамларнинг эртанги кун ҳақидаги тасаввури ўзгарди.

Орифжон ЎЛМАСОВ,
Фарғона вилояти кенгаши раиси ўринбосари



Мустақилликка эришганимизда, олдимизда турган вазифалар ниҳоятда катта эди. Янги давлатчилик тизимини шакллантириш, иқтисодий мустақилликни таъминлаш, ўз миллий тараққиёт йўлимизни белгилаш, дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш осон иш эмасди. Бунинг учун вақт, тажриба ва энг муҳими, халқнинг иродаси керак эди.

Бугун ортга назар ташлаганда, босиб ўтган йўлимизнинг аҳамияти янада теранроқ кўринади. Мустақиллик бизга нафақат ўз давлатимизни қуриш имконини бериб қолмай, мамлакатнинг келажагини ўзимиз белгилаш ҳуқуқини ҳам инъом этди. Бугунги ўзгаришларнинг замирида ҳам шу ҳуқуқ ва масъулият турибди.

Шунинг учун мустақилликнинг 35 йиллиги муносабати билан эришилган натижалар ҳақида гапирар эканмиз, катта рақамларнинг ўзига маҳлиё бўлиб қолмаслик керак. Рақам тараққиётнинг кўламини кўрсатади, аммо унинг мазмунини одамларнинг ҳаётидан излаш лозим. Бугунги Ўзбекистонга назар ташласак, бу мазмунни кўриш қийин эмас. Шаҳарлар кенгаймоқда, янги турар жой массивлари пайдо бўлмоқда, мактаб ва олий таълим муассасалари сони ортиб бормоқда. Ёшларнинг таълим ва касб танлаш имкониятлари кенгаймоқда.

Имкониятнинг кўпайиши билан талаб ҳам ошади. Энди олий таълимнинг вазифаси фақат кўпроқ ёшни қамраб олиш билан чекланмайди. Бугун иқтисодиётга қандай мутахассис кераклиги, таълим муассасаси билан иш берувчи ўртасида қандай алоқа ўрнатилиши, ёшларнинг замонавий технологияларни қанчалик ўзлаштираётгани муҳим. Чунки мамлакатнинг эртанги иқтисодий қудрати бугунги аудиторияларда шаклланади.

Бу ҳақиқатни Фарғона вилояти мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Аҳолиси тўрт миллиондан зиёд бўлган Фарғона мамлакатдаги демографик ва иқтисодий жараёнларнинг энг фаол ҳудудларидан биридир. Бу ерда аҳоли зичлиги юқори, меҳнат ресурслари катта, таълим ва тадбиркорликка талаб ошиб боряпти. 2025 йилда Фарғона вилоятининг ялпи ҳудудий маҳсулоти 111,3 триллион сўмни ташкил этиб, 8,1 фоизга ўсди. Бу республикадаги 7,7 фоизлик ялпи ички маҳсулот ўсишидан юқори.

Вилоятда саноат 7,3 фоизга, қурилиш 17,4 фоизга, хизматлар соҳаси 8,6 фоизга ўсган. Бу рақамларнинг ҳар бири ортида муайян иқтисодий жараён бор. Қурилишнинг юқори суръати – янги объектлар ва инфратузилма, саноатдаги ўсиш – ишлаб чиқариш қувватларининг кенгайиши, хизматлар соҳасидаги ўсиш эса аҳолининг кундалик эҳтиёжлари ва иқтисодий фаолликнинг янги шакллари кўпайиб бораётганини англатади.

Фарғонада 9 та олий таълим муассасаси бўлиб, уларда қарийб юз минг нафар талаба таҳсил олмоқда. Таълимга киритилаётган ҳар бир сармоянинг натижаси бир неча йилдан кейин вилоят иқтисодиёти ва ижтимоий ҳаётида намоён бўлишини инобатга олсак, ҳудуд тараққиётини баҳолашда инсон капиталига қараш тобора муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугун дунёда рақобатнинг табиати ҳам ўзгариб бормоқда. Илгариги каби фақат табиий ресурслар ёки ишлаб чиқариш ҳажми мамлакатнинг кучини белгиламайди. Технология, билим, инновация ва инсон капитали тобора ҳал қилувчи омилга айланяпти. Ўзбекистон учун бу жараён ҳам имконият, ҳам жиддий масъулиятдир. Чунки мамлакатимизда ёшлар кўп. Демак, бизда катта меҳнат ва интеллектуал салоҳият бор.

Уни сифатли таълим, замонавий касб, муносиб иш ва тадбиркорлик имкониятлари билан таъминлай олсак, демографик омил иқтисодий устунликка айланади. Мана шу нуқтада мустақилликнинг бугунги қиймати яна бир бор кўринади. Мустақиллик бизга ўз йўлимизни танлаш имконини берган эди. Энди олдимизда шу имкониятни юқори натижага айлантириш вазифаси турибди.

Ўттиз беш йил давомида мамлакат катта йўлни босиб ўтди. Давлатчилик институтлари шаклланди, иқтисодий тизим яратилди, шаҳарлар ва қишлоқлар қиёфаси ўзгарди, таълим имкониятлари кенгайди, тадбиркорлик учун янги муҳит вужудга келди. Бугунги натижаларни қадрлаш керак, чунки улар осонлик билан қўлга киритилмаган.

Ўзбекистоннинг бугунги қиёфасига қараганда, ўттиз беш йил аввал бошланган тарихий танловнинг натижаларини кўрамиз. Мамлакат ўз тараққиёт йўлини топди. Эндиги вазифа – шу йўлда янада дадил қадам ташлаш, мавжуд имкониятларни тўлиқ ишга солишдир.

t.me/Gazeta_Adolat
adolat24.uz/
2026-YIL
4-SENTYABR
№ 35 (1603)



СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ 35 ЙИЛЛИК ЮКСАЛИШ ЙЎЛИ

Ўзбекистон мустақиллигининг 35 йиллиги кенг кўламда нишонланаётган шу кунлар мамлакатимизнинг сиёсий тараққиёти тарихида босиб ўтилган мураккаб ва мазмунан бой даврини сарҳисоб қилиш, давлат ва жамият бошқарувида юз берган институционал ўзгаришларни чуқур таҳлил этиш учун муҳим сиёсий-тарихий нуқтадир.

Наримон УМАРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги "Адолат" СДП фракцияси аъзоси



Бу даврда демократик давлатчиликнинг ҳуқуқий ва институционал асослари шакллантирилди, фуқароларнинг сиёсий жараёнлардаги иштироки учун янги имкониятлар яратилди, сиёсий партияларнинг жамият ҳаётидаги ўрни босқичма-босқич кучайтирилди. Айниқса, сайлов тизимининг такомиллашуви, парламент фаолиятининг институционал жиҳатдан ривожланиши, сиёсий партиялар фракцияларининг қонун ижодкорлиги ва парламент назоратидаги иштироки кенгайиши Ўзбекистонда сиёсий тизимнинг эволюцион ривожланишида муҳим омил бўлди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида асосий эътибор миллий давлатчиликнинг ҳуқуқий пойдеворини барпо этиш, давлат ҳокимияти институтларини шакллантириш ва жамият ҳаётини янги сиёсий-ҳуқуқий шароитга мослаштиришга қаратилди. Кейинги босқичларда эса давлат ва жамият муносабатларида фуқаронинг ўрнини кучайтириш, сиёсий институтларнинг таъсирчанлигини ошириш, сайлов жараёнларини такомиллаштириш ҳамда кўппартиявийлик муҳитини ривожлантириш устувор вазифалардан бирига айланди. Натижада сиёсий партиялар фуқароларнинг муайян ижтимоий қатламлари ва манфаатларини ифода этувчи, уларни сиёсий жараёнларга жалб қилувчи муҳим институт сифатида қарор топди.

Ўзбекистонда сиёсий партияларнинг ривожланишини сайлов тизимидаги ўзгаришлардан алоҳида тасаввур этиб бўлмайди. Сайловлар нафақат давлат ҳокимияти органларини шакллантириш механизми, шу билан бирга фуқароларнинг сиёсий иродасини ифода этиш, сиёсий партияларнинг жамият олдидаги дастурий позицияларини намоён қилиш ва электорат билан сиёсий мулоқотини таъминлаш воситасига айланиб борди. Шу маънода, ҳар бир сайлов кампанияси жамиятнинг сиёсий онги, электорал маданияти ва сиёсий институтларга муносабатини ўрганиш учун муҳим ижтимоий-сиёсий майдон вазифасини бажармоқда.

Бу жараённи "Ижтимоий фикр" республика жамоатчилик фикрини ўрганиш Маркази томонидан турли йилларда ўтказилган социологик тадқиқотлар натижалари ҳам яққол кўрсатади. Хусусан, 2021 йилда Президент сайлови арафасида ўтказилган тадқиқотларда респондентларнинг 86,3 фоизи Президент сайловида иштирок этишнинг ижтимоий-сиёсий аҳамиятини англашини билдирган, 88,2 фоизи эса сайловда иштирок этишга тайёрлигини қайд этган. Кейинги сўровлар давомида ҳам сайловда иштирок этиш нияти юқори даражада сақланган. Бу ҳолат электорал хулқ-атворнинг тасодифий ёки мавсумий хусусиятдан тизимли сиёсий иштирок шаклига ўтиб бораётганини англатади.

Сиёсий онгнинг ўсишида фуқароларнинг сайлов жараёни ҳақидаги ахборотдан фойдаланиш имкониятлари ҳам муҳим аҳамият касб этди. 2021 йилдан сайловолди кампанияси ҳақида ахборот олишнинг асосий манбаи сифатида давлат телевидениеси билан бир қаторда Интернет, ижтимоий тармоқлар ва ахборот сайтларининг роли сезиларли даражада ортиб борган. Бу тенденция кейинги йилларда янада кучайиб, фуқароларнинг сиёсий ахборот олиш манбалари диверсификациялашганини, электоратнинг сиёсий позицияларни таққослаш ва мустақил ахборот олиш имкониятлари кенгайганини кўрсатади.

2024 йилги Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашлар сайловлари арафасида ўтказилган социологик тадқиқотлар эса мазкур жараённинг янги босқичга кўтарилганини кўрсатди. Тадқиқотнинг сўнгги босқичида фуқароларнинг 84,8 фоизи 2024 йил мамлакатда Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларга сайловлар йили эканидан хабардор бўлган. Сайловда шахсан иштирок этишнинг муҳимлигини англаш кўрсаткичи тадқиқотнинг биринчи босқичидаги 63,5 фоиздан сўнгги босқичда 71,6 фоизгача ўсган. Сайловда иштирок этиш нияти ҳам августдаги 77,9 фоиздан октябрда 82,6 фоизгача кўтарилган. Мазкур динамика сайлов жараёнига қизиқиш ва унда иштирок этиш истаги сиёсий кампания яқинлашгани сари кучайиб борганини кўрсатади.

Эътиборли жиҳати шундаки, 2024 йилги тадқиқотлар жамоатчилик онгида сиёсий партияларнинг сайловолди дастурларига нисбатан талаблар ҳам шаклланаётганини кўрсатди. Фуқаролар партиялардан таълим сифати ва ундан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришни, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни, иқтисодий ривожланиш стратегияларини такомиллаштиришни, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлашни, аҳоли реал даромадларини оширишни, кам чиқиндили ишлаб чиқариш ва "яшил иқтисодиёт"ни ривожлантиришни кутаётганини билдирган. Демак, замонавий электорат сиёсий партияларнинг фақат умумий шиорларини эмас, аниқ ижтимоий-иқтисодий муаммолар бўйича дастурий таклифларини ҳам баҳолай бошлаган.

Бу тенденция сиёсий партияларнинг жамиятдаги вазифаси ўзгараётганини англатади. Партия энди фақат сайлов даврида фаоллашадиган сиёсий ташкилот сифатида эмас, фуқаролар манфаатларини сиёсий қарорлар даражасига олиб чиқувчи, ижтимоий талабларни умумлаштирувчи ва давлат сиёсатига таъсир кўрсатувчи институт сифатида намоён бўлмоқда. Партияларнинг сиёсий дастурлари, сайловолди платформалари, депутатлик корпуси ва парламентдаги фракциялари ўртасидаги узвий алоқадорлик қанчалик кучли бўлса, партиянинг электорат олдидаги сиёсий масъулияти ҳам шунчалик юқори бўлади.

Айниқса, парламентда сиёсий партиялар фракцияларининг роли ортиб бориши Ўзбекистон сиёсий тизимидаги муҳим институционал ўзгаришлардан биридир. Қонунчилик палатасидаги фракциялар партияларнинг сайловда олган сиёсий мандатини парламент фаолиятига олиб кирувчи асосий механизм сифатида шаклланмоқда. Қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш, парламент назоратини амалга ошириш, ҳукумат сиёсати юзасидан ўз нуқтаи назарларини билдириш, ижтимоий муаммоларни парламент муҳокамасига олиб чиқиш каби жараёнларда фракцияларнинг иштироки партияларнинг сиёсий субъект сифатидаги институционал аҳамиятини оширади.

Янги таҳрирдаги Конституциянинг қабул қилиниши эса сиёсий партиялар ва уларнинг жамият ҳаётидаги ўрнини конституциявий-ҳуқуқий жиҳатдан янада мустаҳкамлаш учун янги имкониятлар яратди. Конституцияда сиёсий партиялар фуқароларнинг сиёсий иродасини шакллантириш ва ифода этишдаги иштироки, жамият ҳамда давлат ҳаётидаги ўрнини таъминлашга қаратилган конституциявий қоидалар сиёсий плюрализм ва кўппартиявийлик принципларининг аҳамиятини янада оширди. Бу, ўз навбатида, сиёсий партияларнинг нафақат сайловда, балки давлат ва жамият бошқарувининг турли жараёнларидаги масъулияти кучайишига олиб келади.

Конституциявий ислоҳотларнинг сиёсий аҳамиятини фақат ҳуқуқий нормаларнинг янгиланиши билан чеклаб бўлмайди. Конституциявий муҳит фуқаро, жамият ва давлат ўртасидаги муносабатларнинг мазмунига ҳам таъсир кўрсатади. Фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари, давлат бошқарувида иштирок этиш имкониятлари, жамоатчилик назорати ва сиёсий институтларнинг масъулиятига бўлган талаб кучайгани сари сиёсий партияларнинг ҳам жамият олдидаги ҳисобдорлиги ортиб боради. Бу жараён сиёсий рақобатни мазмунан бойитиш, партияларнинг дастурий позицияларини аниқлаштириш ва электорат билан доимий мулоқотни кучайтириш учун замин яратади.

Мустақилликнинг 35 йиллик тараққиёт босқичи шуни кўрсатмоқдаки, Ўзбекистонда электорал маданият фақат сайловда овоз бериш кўрсаткичи билан ўлчанадиган тушунча эмас. У фуқаронинг мамлакат сиёсий ҳаётига қизиқиши, сиёсий ахборотдан хабардорлиги, сиёсий партиялар ва номзодларнинг дастурларини англаши, сиёсий танловни мустақил амалга ошириш қобилияти, сайлов натижаларининг давлат сиёсатига таъсирини тушуниши ва ўз сиёсий позицияси учун масъулиятни ҳис этиши билан белгиланади. Шу нуқтаи назардан, 2021 ва 2024 йилларгаги тадқиқотларда қайд этилган юқори сиёсий қизиқиш ва электорал фаоллик, сайловда иштирок этиш муҳимлигини англашнинг ўсиши Ўзбекистон жамиятида сиёсий онгнинг босқичма-босқич юксалаётганини кўрсатувчи муҳим социологик далиллардир.

Бугунги электоратнинг сиёсий талаблари ҳам ўзгармоқда. Фуқаролар партиялардан ижтимоий муаммоларни аниқ белгилаш, уларнинг ечими бўйича амалий дастурларни илгари суриш, сайловдан кейин эса ваъдалар ижроси юзасидан масъулиятни намоён этишни кутмоқда. Шу сабабли сиёсий партияларнинг келгуси тараққиёти уларнинг электорат билан қанчалик самарали мулоқот ўрнатиши, жамоатчилик талабларини сиёсий дастурларга қай даражада айлантира олиши ва парламентдаги фракциялари орқали ушбу дастурларни қонунчилик ва давлат сиёсатига қанчалик самарали интеграция қилишига боғлиқ.

Сиёсий партиялар фаолиятига баҳо беришда энг муҳим мезонлардан бири – уларнинг жамиятдаги турли ижтимоий манфаатларни сиёсий мулоқот ва қонуний рақобат майдонига қай даражада олиб чиқа олишаётганидир. Зеро, демократик сиёсий тизимнинг барқарорлиги сайловларнинг ўтказилиши билан эмас, сайлов орқали шаклланган сиёсий вакиллик институтларининг самарали ишлаши, фуқароларнинг уларга бўлган ишончи ва сиёсий қарорларнинг жамоатчилик манфаатларига мослиги билан белгиланади.

Шу маънода, Ўзбекистон мустақиллигининг 35 йиллик тараққиёт йўли сиёсий партиялар, парламент ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги муносабатларнинг янги сифат босқичига ўтаётганини кўрсатмоқда. Конституциявий ислоҳотлар, сайлов тизимининг такомиллашуви, парламент фракцияларининг институционал салоҳияти ортиши ва фуқароларнинг электорал фаоллиги юксалиши бир-бирини тўлдирувчи сиёсий жараёнлар сифатида намоён бўлмоқда. Энг муҳими, жамиятда сиёсий онг ва электорал маданиятнинг ўсиши демократик ислоҳотларнинг ижтимоий таянчини мустаҳкамламоқда. Бу эса Мустақилликнинг 35 йиллик тарихини нафақат давлатчилик тараққиёти, шунингдек, фуқаронинг сиёсий субъект сифатида тобора фаоллашиб бораётган даври сифатида баҳолаш имконини беради.

Депутат ва сайловчи

ТАШАББУСЛИ БЮДЖЕТ:

ХАЛҚНИНГ ХОҲИШ-ИСТАКЛАРИ ДАВЛАТ СИЁСАТИГА АЙЛАНМОҚДА

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ташкил этилган "Ташаббусли бюджет" лойиҳаси республика бўйлаб энг оммабоп ва фуқаролар фаол иштирок этадиган механизмлардан бирига айланди. "Очиқ бюджет" портали орқали фуқаролар ўз маҳаллаларини қандай ривожлантириш, қайси муаммони биринчи навбатда ҳал қилиш кераклигини бевосита овоз бериш йўли билан ҳал қилмоқда.

Минглаб маҳалла лойиҳалари – ички йўлларни таъмирлашдан тортиб, ижтимоий инфратузилмани янгилашгача бўлган жараёнларни айнан шу тартибда амалга ошириб келмоқда.

Натижада, давлат ва жамият ўртасида ҳамкорликнинг янги, амалий шакли вужудга келди, яъни қарор қабул қилиш энди юқоридан эмас, айнан маҳалладан бошланмоқда.



Анасхон УСМОНОВ,
Янги ташаббуслар ва лойиҳалар маркази бош мутахассиси

МУҲИМ ЛОЙИҲАЛАРНИ ДЕПУТАТЛАР ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШМОҚДА

Бугунги кунда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳам ташаббусли бюджет жараёнида бевосита иштирок этмоқда.

2025 йил 29 августда қабул қилинган ПҚ-264-сон қарор асосида йўлга қўйилган тартибга кўра, 2026 йил бошидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати ўзининг сайлов округида етарли овоз йиғолмаган, аммо аҳоли учун муҳим бўлган лойиҳаларни танлаб, уларни ўз ташаббуси билан ғолиб, деб эълон қилмоқда.

Бунда депутат ҳар мавсумда биттадан, йилига иккита лойиҳани шу тарзда танлайди ва ушбу лойиҳа рўйхатга киритилиб, "Очиқ бюджет" порталида ҳаммага очиқ саҳифада эълон қилинади, шу орқали, танлов жараёнининг шаффофлиги таъминланади.

Ушбу мақсадларни амалга ошириш учун ҳар бир депутатга йилига базавий ҳисоблаш миқдорининг 8 минг баравари миқдорида маблағ ажратилиши ва умумий ҳисобда депутатлар ташаббусидаги лойиҳаларга давлат бюджетидан 494 миллиард сўм йўналтирилиши белгиланган.

Шу билан бирга, депутатлар сайловчилар билан бўлган учрашувларда аниқланган муаммоларни ҳар йили 1 майгача тегишли ҳокимликларга таклиф сифатида киритиб, уларнинг давлат бюджети муҳокамаларида инобатга олинишини ҳам назорат қилиб бормоқда.

Бу – халқ вакилларининг ўз округидаги энг долзарб эҳтиёжларни бевосита ҳисобга олишига хизмат қилувчи муҳим қадам бўлиб, депутатнинг масъулиятини сайловчиси олдида янада оширмоқда.

Экспертларнинг таъкидлашича, бу қадамлар ташаббусли бюджет тизимини институционал жиҳатдан янада мустаҳкамлади, яъни энди нафақат умумхалқ овоз бериш натижалари, балки депутатларнинг бевосита ташаббуси ҳам маҳалла тараққиётига реал хизмат қилмоқда.

Бу эса, халқ вакиллари ва сайловчилар ўртасидаги ишончни ошириб, ҳар бир сўмнинг мақсадли ва назорат остида сарфланишини таъминламоқда.

ЙЎЛ ҚУРИЛДИ – НАВБАТ ЯНГИ МАЖМУАГА

Бугун мамлакатимизда халқ вакилларининг ҳудудларда аҳоли билан очиқ мулоқот қилиши, муаммоларни жойига чиққан ҳолда ўрганиши ва масъул ташкилотлар олдига аниқ масалаларни қўйиши одатий ҳолга айланди. Бу жараёнда депутат сўрови ва назорати унинг ечимида муҳим воситага айланмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, **"Адолат" СДП фракцияси аъзоси Дилмурод Исмоилов**нинг Давлатобод туманидаги "Наврўз" маҳалласида олиб борган ишлари ҳам бунинг амалий ифодасидир.

5700 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қиладиган "Наврўз" маҳалласида ички йўлларнинг ҳолати йиллар давомида аҳолини қийнаб келган масалалардан бири эди. Маҳалла аҳолиси ушбу муаммони икки бор "ташаббусли бюджет" лойиҳасига киритиб, уни ҳал этишга ҳаракат қилди. Бироқ кутилган натижага эришилмади.

Мазкур ҳолат аҳоли билан учрашувлар чоғида депутат Дилмурод Исмоилов эътиборидан четда қолмади. Депутат маҳалла йўлларининг ҳолатини ўрганди, аҳоли билан суҳбатлашди, муаммонинг кўлами ва уни ҳал этиш имкониятларини тегишли мутасаддилар билан муҳокама қилди.

Энг муҳими, бу масала фақат мулоқот доирасида қолиб кетмади. Депутатнинг амалий кўмаги ва саъй-ҳаракатлари натижасида маҳалладаги 3,5 километр йўл асфальт қилиниб, аҳоли ва транспорт воситалари учун қулай шароит яратилди.

Бир қарашда бу оддий йўл таъмири бўлиб кўриниши мумкин. Аслида эса унинг ортида йиллар давомида орзу қилинган қулайлик, ҳар куни ишга, ўқишга, бозор ва бошқа манзилларга қатнайдиган минглаб инсонларнинг манфаати мужассам.

Мустақиллигимизнинг 35 йиллиги нишонланаётган шу кунларда "Адолат" СДП Наманган вилоят кенгаши ишчи гуруҳи "Наврўз" маҳалласида бўлиб, амалга оширилган ишлар билан танишди.

Маҳалла раиси Ҳусанбой Азизовнинг таъкидлашича, йўл муаммоси аҳоли учун анча вақтдан буён долзарб бўлиб келган.

Маҳалладаги ободонлаштириш ишлари фақат йўл таъмири билан чекланиб қолаётгани йўқ. Тадбиркор Муҳаббат Насриддинова фарзандлари билан биргаликда маҳалланинг бўш турган ҳудудида ёшлар учун спорт майдончаси ва мини-футбол мажмуаси барпо этмоқда.

– ***Маҳалламизда ўзгаришлар кўзга яққол ташланяпти. Йўлларимизнинг таъмирлангани, ҳудудимизнинг обод бўлаётгани барчамизни қувонтирмоқда. Биз ҳам фарзандларимиз билан маҳаллада ёшлар учун спорт майдончаси ташкил этишга ҳисса қўшяпмиз. Аҳоли муаммоларини ўрганиб, уларнинг ҳал этилишига амалий кўмак бераётган депутат Дилмурод Исмоиловга ўз миннатдорлигимизни билдирамиз,*** – деди тадбиркор аёл.

Дарҳақиқат, халқ вакили учун энг катта натижа – мурожаатнинг амалий ечим топиши. "Наврўз" маҳалласидаги бугунги ўзгаришлар эса аҳоли мурожаатини эшитишнинг ўзи кифоя эмаслигини, унинг ортидан амалий ҳаракат, қатъият ва натижа бўлиши зарурлигини яна бир бор кўрсатмоқда.

Зеро, халқнинг ишончи – депутат учун юксак масъулият. Бу ишончни оқлашнинг энг тўғри йўли эса жойлардаги муаммоларни ўрганиш ва унинг ечимига эришишдир.

t.me/Gazeta_Adolat
https:// adolat24.uz/
2026-YIL
4-SENTYABR
№ 35 (1603)

Yagona Vatan, yagona xalq bo‘lib, yangi hayot va kelajak yaratamiz!

Тараққиёт одимлари



РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР УЧУН ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ МАКОН

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 35 йиллиги мамлакат тараққиётида янги босқични англатувчи муҳим тарихий санадир. Ўтган йиллар давомида мамлакатда давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди, ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида мустаҳкам ҳуқуқий асослар яратилди.



Саидакмал МАМАСОЛИЕВ,
Тошкент давлат юридик университети талабаси,
“Юксалиш” умуммиллий ҳаракати аъзоси

Янги Ўзбекистон тараққиётининг асосий устувор йўналишларидан бири рақамли иқтисодиётни ривожлантириш, инновацион технологияларни жорий этиш ва замонавий ҳуқуқий муҳитни шакллантиришдан иборат. Жаҳонда рақамли технологиялар, сунъий интеллект, блокчейн, финтех ва бошқа инновацион ечимлар иқтисодиёт ҳамда ҳуқуқий муносабатларни тубдан ўзгартирмоқда. Бу жараён давлатлар олдига нафақат янги технологияларни жорий этиш, балки уларни тартибга солувчи замонавий ва мослашувчан ҳуқуқий механизмларни яратиш вазифасини ҳам қўймоқда. Шу нуқтаи назардан, 19 августда Президентимиз томонидан имзоланган, 2027 йилнинг 21 январидан кучга кирадиган “Рақамли технологиялар халқаро маркази тўғрисида”ги конституциявий қонун мамлакатнинг рақамли тараққиётида муҳим ҳуқуқий қадам сифатида алоҳида аҳамият касб этади.

Ушбу қонун нафақат янги марказни ташкил этади, балки мамлакатда инновациялар учун махсус янгича ҳуқуқий режимни ҳам жорий этади. Бу режим Ўзбекистон ҳуқуқий тизимида биринчи марта технологиялар учун алоҳида ҳуқуқий макон яратилиши билан аҳамиятлидир. Яъни, рақамли технологиялар соҳасидаги лойиҳалар ортиқча бюрократик тўсиқларсиз, соддалаштирилган тартибда фаолият юритади. Бу эса технологияларнинг бозорга тез чиқиши, янги хизматларнинг синовдан ўтиши ва инвестицияларнинг хавфсиз муҳитда амалга оширилишига хизмат қилади. Янгича ҳуқуқий режимнинг жорий этилиши мамлакат ҳуқуқий тизими учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки ҳуқуқ энди технология ривожидан ортда қолмайди, аксинча, инновациялар билан бир вақтда ривожланади. Бу замонавий ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиларидан бири ҳисобланади.

Қонуннинг эътиборга лойиқ жиҳатларидан бири – махсус ҳуқуқий режимнинг 2100 йилгача амал қилиши белгиланганидир. Бу инвесторлар учун узоқ муддатли ҳуқуқий кафолатларни англатади. Қонунга мувофиқ, марказ иштирокчиларига берилган ҳуқуқий имтиёзлар ва преференциялар кейинчалик уларнинг аҳволини ёмонлаштирадиган тарзда бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин эмас. Бу эса инвестиция муҳитининг барқарорлиги ва прогноз қилинишини таъминлайди. Ҳуқуқшунослик нуқтаи назаридан бу ҳуқуқий ишонч принципининг амалий ифодаси ҳисобланади.

Қонуннинг яна бир муҳим хусусияти – Марказда айрим муносабатларни тартибга солишда хорижий ҳуқуқ элементларидан фойдаланиш имкониятидир. Бу дегани, корпоратив муносабатлар, инвестиция шартномалари, халқаро тижорат битимлари, интеллектуал мулк муносабатлари, халқаро бизнес учун тушунарли бўлган ҳуқуқий тамойиллар асосида тартибга солиниши мумкин. Бу Ўзбекистон ҳуқуқий тизими учун инновацион ёндашув бўлиб, мамлакатнинг халқаро молиявий ва технология марказлари тажрибасини қабул қилаётганини кўрсатади.

Албатта, рақамли технологиялар ривожида интеллектуал мулк асосий актив ҳисобланади. Қонунда дастурий таъминот, алгоритмлар, маълумотлар базалари ва сунъий интеллект натижалари ҳуқуқий муҳофаза қилинишининг махсус механизмлари назарда тутилган.

Мазкур қонун рақамли иқтисодиётни ривожлантириш, халқаро технология компанияларини жалб қилиш, стартаплар экотизимини кучайтириш, юқори малакали кадрларни тайёрлаш, ҳуқуқий инновацияларни амалиётга жорий этиш каби вазифаларни амалга оширишга хизмат қилади. Қонун Ўзбекистон ҳуқуқий тизимида янги ҳуқуқий маданиятни шакллантирмоқда. Аввал қонунчилик технологияларга мослашар эди, эндиликда эса технологиялар учун олдиндан мослашувчан ҳуқуқий муҳит яратилмоқда. Бу ҳуқуқий эксперимент ва инновацияларни давлат сиёсати даражасига кўтарган муҳим қадамдир.

Махсус ҳуқуқий режимнинг жорий қилиниши мамлакатда инвестиция хавфини камайтиради, инновацион тадбиркорликни рағбатлантиради ва Ўзбекистоннинг глобал рақамли иқтисодиётдаги ўрнини мустаҳкамлайди. Шу боис, қонун Янги Ўзбекистоннинг 35 йиллик тараққиётида рақамли давлат қуриш йўлидаги энг муҳим ҳуқуқий ислоҳотлардан бири сифатида баҳоланса, арзийди.

“АДОЛАТ” НУҚТАИ НАЗАРИДАН:

СУБСИДИЯДАН УЙ-ЖОЙГАЧА БЎЛГАН МАСОФА

Долзарб мавзу

Уй-жой инсон ҳаётидаги муҳим ижтимоий эҳтиёжлардан бири. Шу боис аҳолини муносиб уй-жой билан таъминлаш, ипотека кредитларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш ва даромади юқори бўлмаган оилаларга давлат кўмагини кучайтириш муҳим йўналишлардан бирига айланган. Бу борада янги механизмлар жорий этилиб, қонунчилик базаси босқичма-босқич такомиллаштирилмоқда. Бироқ ҳар қандай ислоҳотнинг ҳақиқий самараси қабул қилинган ҳужжатлар ёки ажратилган маблағлар билан эмас, фуқаро ҳаётида қандай натижа бериши билан ўлчанади.



Зуҳриддин АМОНОВ,
“Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши
Марказий аппарати координатори,
ОМҚП ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзоси

Ипотека кредитларини аҳоли учун янада қулайлаштиришга қаратилган тизимнинг ҳуқуқий асоси, аввало, Президентимизнинг 2019 йил 28 ноябрдаги “Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони билан мустаҳкамланган. Мазкур ҳужжат асосида даромади юқори бўлмаган ва уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож фуқароларга ипотека кредити бўйича дастлабки бадал ҳамда фоиз тўловларининг бир қисмини қоплаш учун давлат бюджети маблағлари ҳисобидан субсидия ажратиш белгиланган.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 25 мартдаги 182-сон қарори билан “Уй-жой сотиб олиш учун фуқароларга субсидия тўлаш тартиби тўғрисидаги низом” тасдиқланиб, ушбу йўналишдаги жараёнларни амалга оширишнинг аниқ ҳуқуқий механизми шакллантирилган.

2026 йилда аҳолини уй-жой билан таъминлаш борасида янги босқичга қадам қўйилди. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 24 февралдаги “Аҳолини уй-жой билан таъминлаш ишларини жадаллаштириш ва кўп квартирали уйлар қурилишини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан кўп квартирали уйлар қурилишида реновация ҳисобига барпо этиладиган хонадонлар улушини 15 фоиздан 2040 йилга қадар босқичма-босқич 60 фоизга етказиш кўзда тутилди.

Жорий йил учун ипотека субсидияларига давлат бюджетидан жами 2,7 триллион сўм ажратилиши ва белгиланган мезонларга жавоб берувчи 30 минг нафар фуқарога субсидия хабарномаси берилиши белгиланди. Бу рақамларнинг ўзи давлат уй-жой масаласига қанчалик катта ресурс йўналтираётганини кўрсатади. Бироқ ажратилган маблағ миқдори билан фуқаронинг реал имконияти ўртасидаги мутаносиблик масаласи кун тартибидан тушмаяпти.

Бу ҳолат кадастр билан боғлиқ масалалар туфайли янада мураккаблашиши мумкин. Субсидиядан фойдаланишда талабларга жавоб берадиган, кадастр ҳужжатлари расмийлаштирилган тайёр уй-жойларнинг мавжудлиги муҳим. Қўлида субсидия хабарномаси бор фуқаро уй-жой танлаш босқичига келганда янги тўсиққа дуч келади. Ҳужжатлари тўғри, нархи мақбул ва субсидия талабларига мос квартира бир вақтнинг ўзида топилмаслиги мумкин.

Жорий йилнинг 11 август куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасида биринчи ўқишда муҳокама қилинган 270-сонли қонун лойиҳасида ипотека ёки субсидия асосида уй олган фуқароларни ўз хонадонида рўйхатдан ўтказишдаги тўсиқларни бартараф этиш таклиф этилди. Хусусан, уй-жойга тақиқ ёки хатлов қўйилган бўлса ҳам, мулкдор ва унинг яқин қариндошларини рўйхатдан ўтказиш учун банк, суд ёки МИБ розилигини олиш талаби бекор қилинмоқда. Бу эса фуқароларнинг ўз уйида қонуний рўйхатдан ўтиши, фарзандларини таълим муассасаларига жойлаштириши, тиббий ва бошқа ижтимоий хизматлардан фойдаланишини енгиллаштиради. Бироқ бу каби ижобий ўзгаришларга қарамай субсидия олиш механизмида ҳудудий рўйхатдан ўтиш талаби билан боғлиқ масала ҳали ҳам долзарблигича қолмоқда. Масалан, фуқаро Тошкент шаҳрида ишлайди, оиласи ҳам шу ерда истиқомат қилади, фарзандлари пойтахтда таълим олади, кундалик ҳаёти шу ҳудуд билан боғланган. Аммо доимий рўйхатдан ўтган манзили бошқа вилоятда бўлса, нега у ўзининг реал ҳаёти кечаётган ҳудуддан уй танлай олмаслиги керак?

Бундан ташқари, субсидиянинг мақсадли аудиторияси билан ипотека кредити талаблари ўртасида муайян зиддият мавжуд. Давлат ёрдами уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оилалар, оғир ижтимоий вазиятдаги хотин-қизлар, фаол ёшлар ва бошқа эҳтиёжманд фуқароларга йўналтирилса-да, кредит расмийлаштиришда оиланинг даромади ва тўлов қобилияти асосий мезон бўлиб қолмоқда. Натижада расмий даромади паст ёки мунтазам иш жойига эга бўлмаган ҳақиқий эҳтиёжмандлар ипотека олишда муаммога дуч келмоқда.

Субсидия аризаларини баҳолашда ижтимоий мезонлар ва балл тизими қўлланилади. Жумладан, 30 баллдан кам натижа, белгиланган даромад мезонларига мос келмаслик ёки номида кўчмас мулк мавжудлиги рад этишга асос бўлиши мумкин. Бироқ уй-жойга эҳтиёжни фақат мулк ёки балл билан баҳолаш тўғри эмас.

Муаммонинг яна бир муҳим иштирокчиси қурилиш соҳасидаги тадбиркорлар. Уй-жой бозорида талабни шакллантириш билан бир қаторда таклифни ҳам рағбатлантириш талаб этилади. Субсидия асосида хонадон сотадиган тадбиркор ўз вақтида кадастр ҳужжатларини расмийлаштириши, қурилиш таннархи, ер, инфратузилма, кредит, солиқ ва бошқа харажатларни ҳисобга олган ҳолда фуқарога ҳамёнбоп нарх таклиф қилиши керак.

Халқаро амалиёт шуни кўрсатадики, Германия аҳолисининг 50 фоиздан ортиғи ижарада яшайди ва уй-жой сиёсати фақат мулкдор бўлишни эмас, муносиб ижара шароитини таъминлашни ҳам кўзлайди. Давлат қурилиш ташкилотларига арзон молиялаштириш ва ер ажратиш ижтимоий уй-жой фондини кенгайтиради. Шунингдек, даромади етарли бўлмаган фуқароларга ижара ҳақининг бир қисмини қоплаш учун Wohngeld каби ёрдам механизмлари қўлланади. Буюк Британиянинг Shared Ownership модели уй-жой харидини енгиллаштириб, фуқарога унинг 10–75 фоиз улушини сотиб олиш, қолган қисми учун эса имтиёзли ижара тўлаш имконини беради. Австриянинг Вена моделида аҳолининг 60 фоиздан ортиғи субсидиялашган ёки муниципал уйларда яшайди. Давлат уй-жой кооперативларига узоқ муддатли, паст фоизли молия ажратади. Тизимнинг асоси “чекланган фойда” тамойили бўлиб, ижтимоий уй-жойни узоқ муддат аҳоли учун ҳамёнбоп сақлашга қаратилган.

Ушбу мисоллардан кўриниб турибдики, самарали уй-жой сиёсати фақат харидорга маблағ ажратиш билан чекланмайди. Бир вақтнинг ўзида уй-жой таклифини кўпайтириш, хусусий қурилишни рағбатлантириш, ижара бозорини қўллаб-қувватлаш, давлат қурилиш ташкилотларини жалб қилиш ва фуқарога танлов имкониятини бериш каби механизмлар ҳам ишлайди.

“Адолат” социал-демократик партиясининг 2025–2029 йилларга мўлжалланган Сайловолди дастурида илгари сурилган таклиф алоҳида аҳамият касб этади. Унда “субсидияларни ҳақиқатда муҳтож бўлган фуқароларга ўзлари танлаган ҳудуддан уй-жой қуриш ва сотиб олиш учун имтиёзлар ажратиш тизимини такомиллаштириш, бунда субсидия асосида уй сотган тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш” таклиф этилган. Бу ғоянинг энг муҳим жиҳати шундаки, субсидия фуқарони муайян ҳудудга боғлаб қўймайди, балки унинг реал эҳтиёжи ва танловини марказга қўяди.

Мамлакатимизда бу борада муайян механизмлар мавжуд. Уларни янада такомиллаштириш учун қуйидаги таклифларга эътибор қаратиш зарур.

БИРИНЧИДАН, субсидия хабарномаси олган фуқаролар учун уйнинг нархи, жойлашуви, кадастр ҳолати ва субсидия талабларига мослиги кўрсатилган ягона электрон уй-жой базасини яратиш.

ИККИНЧИДАН, фуқарога субсидия асосида уй-жойни фақат доимий рўйхатдан ўтган манзилидан эмас, балки амалда яшаб, ишлаётган ҳудудидан танлаш имкониятини кенгайтириш.

УЧИНЧИДАН, уй-жойга эҳтиёжни баҳолашда фақат балл ва мулк мавжудлигига эмас, уйнинг ҳолати, майдони, оила таркиби ва реал яшаш шароитига ҳам эътибор қаратиш.

ТЎРТИНЧИДАН, ипотека олувчининг кредитга лаёқатини баҳолашда расмий маош билан бир қаторда мунтазам айланма маблағлари ва кундалик харажатларини ҳисобга олиш, эҳтиёжмандлар учун давлат ва банк ўртасида кўприк механизмларини жорий этиш.

БЕШИНЧИДАН, субсидия асосида уй-жой таклиф қилаётган тадбиркорларни ер, инфратузилма, кадастр ва молиялаштириш масалаларида қўллаб-қувватлаш орқали сифатли ва ҳамёнбоп уй-жойлар таклифини кўпайтириш.

Эндиликда уй-жой сиёсатида “Қанча субсидия берилди?” деган савол билан бир қаторда “Қанча оила уйли бўлди?”, “Қанча хабарнома амалда ишлади?”, “Қанча фуқаро ўз танлаган ҳудудидан уй сотиб олди?”, “Қанча қурилиш тадбиркори бу тизимга жалб этилди?” деган саволларга ҳам жавоб излаш вақти келди.

Зотан, субсидиянинг ҳақиқий манзили қоғоздаги хабарнома эмас, инсоннинг янги хонадонга эга бўлишидадир.

t.me/Gazeta_Adolat
https:// adolat24.uz/
2026-YIL
4-SENTYABR
№ 35 (1603)



ИҚТИСОДИЙ ЎСИШДАН СИФАТ САРИ



Шуҳрат ЯКУБОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракцияси аъзоси

Тарих давлатлар ва халқларнинг тараққиёт йўлини баҳолар экан, муайян даврларни фақат йиллар билан эмас, балки уларда амалга оширилган ўзгаришларнинг инсон ва жамият ҳаётига таъсири билан ўлчайди.

Ўтган 35 йил давомида миллий давлатчилик асослари, давлат институтлари ва ҳуқуқий тизим шакллантирилди, мамлакатнинг халқаро майдондаги ўрни ва нуфузи мустаҳкамланди.

Бироқ мустақилликни фақат сиёсий-ҳуқуқий мақом сифатида баҳолаш унинг мазмунини тўлиқ қамраб олмайди. Зеро, ҳақиқий мустақиллик – ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқигина эмас, балки бу ҳуқуқни амалга ошира оладиган **иқтисодий, технологик, институционал ва интеллектуал салоҳиятга эга бўлишдир.**

Шу нуқтаи назардан сўнгги йилларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар мамлакатимиз тараққиётида сифат жиҳатидан янги босқични бошлаб берди.

Ислоҳотларнинг мазмуни – давлат ва инсон муносабатларининг ўзгаришида. Президентимиз бошчилигида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муҳим хусусияти шундаки, улар нафақат давлат бошқаруви ва иқтисодиётни, балки давлатнинг инсонга муносабатини ҳам ўзгартиришга қаратилган. Бу жараённи иқтисодий кўрсаткичлар билан бир қаторда фуқаронинг кундалик ҳаётидаги ўзгаришлар орқали ҳам баҳолаш мумкин.

Валюта бозорининг либераллаштирилиши тадбиркор учун бизнес юритиш имкониятини кенгайтирган бўлса, фуқаро учун ўз маблағларини эркин тасарруф этиш имконини яратди. Электрон давлат хизматларининг кенгайиши эса давлат билан муносабатларда инсоннинг вақтини тежашга хизмат қилмоқда. Шу маънода замонавий давлат самарадорлигининг муҳим мезонларидан бири – **фуқаронинг давлат идораларига сарфлайдиган вақти ва ресурсларини қанчалик камайтириш** эканини унутмаслик керак.

Рақамлаштиришнинг асл мақсади ҳам қоғоз ҳужжатларни электрон шаклга шунчаки ўтказиш эмас. Асосий мақсад – инсон учун қулай, тезкор ва шаффоф давлат хизматларини шакллантиришдир.

Иқтисодий ўсишдан иқтисодий сифатга. Сўнгги йилларда мамлакатимиз иқтисодиётида салмоқли ўзгаришлар амалга оширилди. Валюта бозори эркинлаштирилди, тадбиркорлик ва инвестициялар учун имкониятлар кенгайди, иқтисодиёт ҳажми сезиларли даражада ўсди, ижтимоий ҳимоя тизими янгича ёндашувлар асосида такомиллашмоқда.

Энди тараққиётнинг кейинги босқичида иқтисодий ўсишнинг ўзи эмас, унинг сифати ва инсон имкониятларига таъсири муҳим аҳамият касб этади. Яъни асосий савол “иқтисодиёт қанча ўсди?” эмас, балки “бу ўсиш инсон учун қанча янги имконият яратди?” деган савол бўлиши керак.

Янги иш ўринлари қанчалик унумдор? Ёш мутахассислар юқори даромадли касбларни эгаллаяптими? Маҳаллий компаниялар халқаро бозорларда рақобатлаша оляптими? Илмий ишланмалар инновацион маҳсулотларга айланяптими? Келгуси иқтисодий сиёсат ана шу мезонлар асосида янада такомиллашиб бориши зарур.

Келажакнинг асосий ресурси – инсон салоҳияти. XX асрда давлатларнинг қудрати кўп жиҳатдан табиий ресурслар, саноат ва ҳудудий имкониятлар билан белгиланган бўлса, XXI асрда инсон капитали ва технологик салоҳият тобора ҳал қилувчи омилга айланмоқда.

Сунъий интеллект, рақамли иқтисодиёт, робототехника, биотехнология ва янги энергетика жаҳон иқтисодиётининг янги қоидаларини шакллантирмоқда. Шу боис Ўзбекистоннинг келгуси тараққиётида энг муҳим вазифалардан бири – **ресурсларга таянган иқтисодиётдан билим, инновация ва юқори қўшилган қиймат яратадиган иқтисодиётга босқичма-босқич ўтишдир.**

Бу жараённинг марказида таълим ва илм-фан туради. Мактаб мустақил фикрлайдиган шахсни тарбиялайдиган муҳитга, университет эса нафақат мутахассис тайёрлайдиган, балки янги билим ва технологиялар яратадиган марказга айланиши керак. Айниқса, меҳнат бозори тез ўзгараётган шароитда инсоннинг бир марта касб эгаллаши эмас, бутун умр давомида билим ва кўникмаларини янгилаб бориш имконияти стратегик аҳамият касб этади.

Агар мустақилликнинг дастлабки босқичида асосий вазифалардан бири мустақил давлатни барпо этиш бўлган бўлса, энди **юқори сифатли давлатни шакллантириш, инсон салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш ва Ўзбекистонни билим ҳамда технологиялар асосида рақобатбардош мамлакатга айлантириш** стратегик мақсадлар қаторида бўлиши лозим.

Зеро, мустақилликнинг энг юксак мазмуни – давлатнинг ўз тақдирини ўзи белгилай олиши билан бир қаторда, **унинг ҳар бир фуқароси ўз билими, меҳнати, қобилияти ва эркин танлови асосида ўз келажагини белгилай оладиган жамиятни барпо этишдир.**

Шунда мустақиллик фақат тарихий сана ёки давлат мақоми эмас, балки **инсоннинг реал имкониятлари ва мамлакатнинг узоқ муддатли тараққиёт** салоҳияти сифатида намоён бўлади.

ҲАММАСИ ИНСОН САЛОМАТЛИГИ УЧУН!

Ватанимизнинг мустақил давлат сифатида жаҳон ҳамжамиятига юз тутганига 35 йил тўлди. Бу тарихан қисқа, аммо улкан ўзгаришлар, кенг ислоҳотлар ва буюк бунёдкорлик ишларига бой давр.



Абдулазиз НОСИРОВ,
халқ депутатлари Юнусобод туман Кенгаши депутати, Тошкент давлат тиббиёт университети декани

Босиб ўтилган тараққиёт йўлига назар ташлар эканмиз, сўнгги йилларда мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизими учун туб янгиланиш даври бўлганини кўрамиз. Бу йилларда тиббий хизматни аҳолига яқинлаштириш, унинг сифатини ошириш, ҳудудлардаги имкониятларни кенгайтириш ва замонавий хизмат турларини жорий этиш борасида амалий қадамлар ташланди.

Энг муҳими, тиббиёт тизимидаги ёндашув ўзгара бошлади. Аввалларимиз беморлар мураккаб тиббий хизмат учун марказга интилган. Бу эса вақт, маблағ ва ортиқча ташвиш дегани эди. Бугун бўлса, тиббий хизматнинг ўзи босқичма-босқич аҳоли яшайдиган ҳудудларга яқинлашди. Бу – соҳадаги ислоҳотларнинг энг муҳим натижаларидан биридир.

Ушбу ислоҳотлар жараёнида тиббиёт соҳасига 230 триллион сўм йўналтирилиб, ҳудудларда 187 та янги поликлиника ва шифохона ишга туширилди. 1 244 та муассаса реконструкция қилиниб, жиҳозланди. Бирламчи тиббиёт муассасалари қуввати 60 фоизга ошди. Булар, аввало, аҳоли учун тиббий хизмат имкониятларининг кенгайганини англатади.

Айниқса, пойтахтда амалга ошириладиган 400 дан ортиқ юқори технологияли диагностика ва даволаш усулларининг ҳудудларга туширилгани тизимдаги катта амалий ўзгариш бўлди. Биринчи марта 45 та туманда буйрак кўчириб ўтказиш амалиёти йўлга қўйилди.

Бу кўрсаткичлар ортида эса минглаб инсонлар тақдири турибди. Узоқ йўл босиб сарсон бўлишдан қутулган бемор, оиласидан ажралмаган ҳолда даволаниш имкониятига эга бўлган инсон, вақт ва маблағини тежаган оила – буларнинг барчаси тиббий хизматни ҳудудларга яқинлаштириш сиёсати натижасидир.

Тиббиётда имкониятнинг қаерда яратилгани эмас, инсон ундан қанчалик тез ва осон фойдалана олиши муҳим.

ИСЛОҲОТНИНГ АСОСИ – БИРЛАМЧИ БЎҒИН

Соғлиқни сақлаш тизимидаги ҳар қандай ислоҳот, аввало, аҳоли билан энг яқин ишлайдиган бўғиндан бошланиши керак. Чунки инсон саломатлиги билан боғлиқ муаммонинг аксарият қисми ўз вақтида аниқланса, унинг олдини олиш ёки кучайиб кетишини чеклаш имконияти юқори бўлади.

Шу нуқтаи назардан, сўнгги беш йилда тиббий хизматни аҳолига яқинлаштириш мақсадида ташкил этилган оилавий шифокорлик пунктлари, оилавий поликлиникалар ва маҳалла тиббий пунктлари сони 4 600 дан ошди. Бу рақам аҳоли билан тиббиёт тизими ўртасидаги масофа қисқараётганини кўрсатади.

Бугун тиббиётнинг вазифаси фақат беморни қабул қилиш билан чекланмаслиги керак. У аҳолининг саломатлигини мунтазам кузатиш, муаммони ўз вақтида аниқлаш ва зарур чораларни кечиктирмасдан кўришга хизмат қилиши зарур. Шу маънода, бирламчи бўғинни кучайтириш – тизим самарадорлигини оширишнинг энг ишончли йўлларидан биридир.

ТЕЗ ЁРДАМДА ВАҚТ ОМИЛИ

Тиббиётда вақт оддий ҳисоб-китоб бирлиги эмас. Айрим ҳолатларда бир неча дақиқанинг ўзи инсон ҳаёти учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Айнан тез тиббий ёрдам тизимида амалга оширилган ўзгаришлар алоҳида аҳамиятга эга.

2017 йилда мамлакатимизда 818 та тез тиббий ёрдам шохобчаси фаолият кўрсатган бўлса, 2024 йилга келиб уларнинг сони 1 766 тага етди. Тез тиббий ёрдам бригадалари 1 648 тадан 2 838 тага, реанимобиллар эса 24 тадан 510 тага кўпайди. Тизимдаги автотранспорт воситаларининг 80 фоизи янгиланди.

Бу ўзгаришлар хизматнинг аҳолига етиб бориш имкониятида ҳам акс этди. Хизмат кўрсатиш радиуси шаҳарларда 25–30 километрдан 9–12 километрга қисқарди. Барча ҳудудларда тез тиббий ёрдамни электрон автоматлаштирилган бошқариш тизими жорий этилди.

Бундан ташқари, ҳомиладор аёлларни мунтазам назорат қилиш, туғма касалликларни эрта аниқлаш, чақалоқлар саломатлигини кузатиш ва уларга зарур тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича тизимли ишлар кучайтирилди. Шу билан бирга, бирламчи бўғинда аёлларни тиббий кўрикдан ўтказиш ва уларни соғломлаштириш ишлари ҳам кенгайди. 8 500 нафар доянинг тиббий бригадалар таркибига киритилиши оналар ва чақалоқларга кўрсатиладиган эътиборни янада кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Бугунги ёндашувнинг муҳим жиҳати шундаки, тиббий хизмат фақат муаммо пайдо бўлганидан кейин унга жавоб қайтариш билан чекланмай, унинг олдини олишга ҳам қаратилмоқда.

Яна бир муҳим жиҳат, электрон тиббий ҳужжатлар, электрон рецепт, электрон йўлланма, тиббий маълумотларни интеграциялаш ва тез тиббий ёрдамни автоматлаштириш – буларнинг барчаси тизимдаги жараёнларни соддалаштириш ва тиббий хизмат сифатини оширишга қаратилган.

Рақамлаштиришнинг асосий вазифаси – шифокорнинг қоғозбозликка сарфлайдиган вақтини камайтириш, тиббий маълумотлар билан ишлашни енгиллаштириш ва мутахассиснинг беморга кўпроқ вақт ажратиши учун имконият яратишдир.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳам Ўзбекистондаги ислоҳотларнинг муҳим йўналишлари сифатида бирламчи тиббий ёрдамни трансформация қилиш, тиббиётни молиялаштириш тизимини ислоҳ этиш ва рақамли соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришни қайд этган.

2021 йилда Сирдарё вилоятида пилот лойиҳа сифатида амалиётга киритилган рақамлаштириш жараёнини ислоҳотлар самараси дейишимиз мумкин. Демак, рақамлаштириш – бу тиббиёт тизимида қарор қабул қилишни аниқ маълумотларга асослаш, хизматларни бошқаришни енгиллаштириш ва аҳоли учун қулайлик яратишнинг муҳим воситасидир.

Мухтасар айтганда, олис ҳудудда яшаётган инсон зарур тиббий ёрдамни ўз вақтида олиш, она ўз саломатлиги ва фарзанди учун зарур хизматдан фойдаланиш, тез тиббий ёрдам чақирув жойига вақтида етиб бориш, шифокор беморга кўпроқ вақт ажратиш имкониятига эга бўлмоқда – ислоҳотнинг асл моҳияти ана шу нуқтада яққол намоён бўлмоқда.

МИЛЛАТНИНГ ХОТИРА ОМБОРИ

Архив – давлатчилик асослари ва аждодлар нафасини сақлаб, тарихий ўзликни ҳаракатга келтирувчи куч манбаи ҳисоланади. Ҳар бир ҳужжат, ҳар бир саҳифа ортида жонли тарих, инсонлар тақдири ва давлатчилик пойдевори ётади.

Шаҳноза КАРИМОВА,
Тошкент шаҳар марказий давлат архиви ҳужжатларни жамлаш, идораларга қарашли архивлар иш юритиш бўлими мудири

Архив бўлмаса, ўтмиш ва келажак ўртасидаги алоқа узилади. Миллат ўз хотирасини йўқотса, ўзлигини ҳам йўқотади. Шу сабабли архивчилик – миллат олдидаги шарафли иш.

Архив соҳаси нафақат тарих, балки бугунги куннинг мутлақ адолатини таъминловчи мезондир. Кундалик ҳаётда кўплаб фуқаролар ўзларининг ҳақ-ҳуқуқларини тиклаш, меҳнат стажларини исботлаш, мулкий муносабатларни қонунийлаштириш учун архивга мурожаат қиладилар. Мана шу ерда архив ходимининг зиммасига ўта улкан маънавий ва ҳуқуқий масъулият тушади.

Давлатимиз раҳбари томонидан 2025 йил 27 ноябрда қабул қилинган “Архив иши соҳасини рақамлаштириш ва соҳада бошқарув самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони соҳа вакиллари зиммасига янги давр талабларини юклади. Фармон архив соҳасини 2030 йилга қадар рақамлаштириш, хизматлар сифатини ошириш ва соҳада самарали бошқарув тизимини яратиш борасида қатор вазифаларни белгилаб берди. Жумладан:

- Миллий архив фонди ҳужжатлари рақамлаштирилишини 60 фоизга етказиш;

- электрон хизмат кўрсатиш улушини 100 фоизга етказиш ҳамда хизмат кўрсатиш муддатини камида уч бараварга қисқартириш;



- архив хизматлари оммабоплигини ошириш ва янги хизмат турларини жорий қилиш;

- ҳужжатларни классификация қилиш ва таниш жараёнларига сунъий интеллект технологияларини жорий этиш орқали ҳужжатларни қайта ишлашда инсон омилини 50 фоизга камайтириш;

- архив иши соҳасида самарали бошқарув тизимини жорий этиш, давлат органларининг электрон тизимларига тўлиқ интеграция қилиш ва маълумотлар алмашинувини автоматлаштириш.

Фармонга кўра соҳада Ягона миллий архив ахборот тизимини тўлиқ жорий этиш ва хизматларни рақамлаштириш белгиланди. Бу ислоҳотларнинг замирида фуқароларнинг оворагарчилигига чек қўйиш, сунъий равишда кечиктириш каби салбий ҳолатларни илдизи билан йўқ қилиш мақсади ётибди. Хизматларнинг рақамли тизимга ўтказилиши ҳар бир архив ходимининг фаолиятини шаффоф кўрсатиб туради.



Мустақиллик нишони

Юртимизнинг улуғ байрамига бағишланади

Муҳиддин ОМАД,
Наманган вилоят кенгаши матбуот котиби

Мен одамларнинг кўксида ялтираб турган
Мустақиллик нишонига ҳавас билан боқаман.
Айниқса, ўттиз беш ёшли йигит-қизларнинг
кўксидаги нишонга!

Уларнинг ёши – Мустақилликнинг ёши билан тенг.
Улар Мустақиллик билан тенгдош авлод.
Улар эркин Ўзбекистонда туғилди.
Ўз байроғи остида улғайди.
Ўз тилида сўзлади.
Ўз мадҳиясини куйлади.
Мустақил Ватаннинг ҳавосидан нафас олиб,
ўз орзуларини шу замин билан боғлади.

Биз эса...
Биз Мустақилликни орзу қилиб, унга етиб келгандик.
Фарқ шунда.
Аммо бу фарқ бизни айирмайди.
Аксинча,
бизни бир-биримизга янада яқинлаштиради.
Чунки ёшларда – келажакнинг ишончи бор.
Бизда эса – кечмишнинг хотираси.
Уларда – Мустақиллик билан тенгдошлик бахти.
Бизда – Мустақилликка етиб келган авлоднинг
қалб хотираси.

1992 йил...
Мустақиллигимизнинг биринчи йили.
Эл қатори менга ҳам “Мустақилликнинг 1 йиллиги”
кўкрак нишони берилган эди.

Уни кўксимга тақилган кундаги қувончим
ҳали ҳам ёдимда.
Ўша пайтда бу кичик нишоннинг
йиллар ўтиб мен учун шу қадар катта маънога
айланишини билмаганман.

У менинг ёшлигимдан қолган хотира эмас,
у – тарихнинг бир парчаси экан.
Унда Мустақилликнинг илк нафаси бор экан.
Унда халқнинг узоқ кутган умиди бор экан.
Унда умримнинг бир қисми бор экан.
Шунинг учун ҳар йили Мустақиллик байрами
арафасида
уни яна кўксимга тақаман.
Ва ҳар сафар унга қараганимда
босиб ўтилган йўллар кўз олдимдан ўтади.

Қарамлик йўлидан
озодлик йўлига ўтиш осон кечгани йўқ.
Мустақилликнинг биринчи йиллари...
Ҳаётда ўз йўлимизни топишга улгурмаган пайтлар.
Кечаги тизимдан ажралиб,
янги ҳаётни қуришга интилаётган халқ.
Иқтисодий ва ижтимоий синовлар.
Ноаниқликлар.
Умидлар.
Хатолар.
Изланишлар.

Ва энг муҳими –
эртанги кунга ишончни йўқотмаслик ҳаракати.
Мен шу йилларнинг гувоҳи бўлдим.

Мустақилликнинг биринчи кунидан
бугунги 35 йиллигигача бўлган даврни
четдан томоша қилиб эмас,
шу тарихнинг ичида яшаб кузатдим.
“Ўттиз беш йил» деган сўз,
бу – умримнинг тенг ярми.

Бугун минглаб инсонларнинг кўксида
Мустақилликнинг 35 йиллиги нишони порламоқда.
Мен уларга ҳавас билан қарайман...

Ҳалол меҳнати билан эътирофга сазовор бўлган
инсонларнинг қувончи
менга ҳам юқади.
Юзимга табассум югуради.
Қалбим ифтихорга тўлади.
Кўзларимга севинч ёшлари қалқади.

Шундай қувонч билан бирга
менинг хаёлимдан яна бир гуруҳ инсонлар ўтади.
Мен уларни танийман.
Улар менинг атрофимда.
Ҳалол меҳнат қилиб келаётган,
умрини Ватан хизматига бағишлаган,
аммо бугун кўксида шу нишон бўлмаган инсонлар...

Улар ҳам ҳеч кимдан кам эмас.
Балким, уларнинг кўксида нишон йўқдир.
Аммо қалбида
Ватаннинг оғриғи бор.
Қалбида
меҳнатнинг изи бор.
Қалбида
айтилмай қолган минглаб сўзлар бор.
Улар ҳам, балки
ўзларининг қалбларидаги ўтли сўзларни
баралла айтиш армонида яшар.
Уларнинг кўксида нишон бўлмаслиги мумкин.
Лекин уларнинг қўлида
меҳнатнинг чуқур излари бор.

Ушбу лаҳзаларда бир ҳақиқатни янада чуқурроқ
англайман:
Инсоннинг Ватанга қилган хизмати
фақат кўкракдаги нишон билан ўлчанмайди.
Нишон – эътироф.
Аммо меҳнатнинг ўзи – қадр.

Балким, орамизда
бир умр ҳалол яшаб,
ҳеч қандай мукофот олмаганлар бордир.
Балким,
уларнинг номи катта минбарларда тилга олинмагандир.
Балким,
улар қилган яхшиликларини ҳеч ким санамагандир.

Аммо улар эрталаб ишга борган.
Оиласини ҳалол меҳнати билан боққан.
Фарзандига тўғри йўл кўрсатган.
Бирор кишининг оғирини енгил қилган.
Ўз касбига хиёнат қилмаган.
Ватанга керак бўлган жойда
жимгина хизмат қилган.
Булар ҳам Мустақилликнинг инсонлари.
Булар ҳам шу юртнинг фарзандлари.
Уларнинг хизматини
битта нишонга сиғдириб бўлмайди.
Чунки чин инсонларнинг энг катта мукофоти –
ўз виждони билан юзма-юз турганида
юзи қизармаслигидир.

Мен ўттиз беш ёшли йигит-қизларнинг
кўксидаги нишонга яна қарайман.
Улар Мустақиллик билан тенгдош.
Улар учун бу сана – ҳаётининг ўттиз беш йили.

Аммо биз учун...
Бу – орзу қилинган йиллардан бошланган тарих.
Шунинг учун биз уларга
кечаги ҳаётни айтишимиз керак.
Аммо уларнинг елкасига кечаги юкни
юкламаслигимиз керак.

Биз:
“Бизнинг даврimиз яхши эди...” ,
деб эмас,
“Биз қандай қилиб бу кунларга
етиб келганимизни унутманг!” ,
деб айтишимиз керак.
Чунки тарих унутилса,
эркинлик оддий ҳолга айланади.
Эркинлик оддий ҳолга айланса,
унинг қадри сезилмай қолади.
Қадри сезилмаган неъмат эса
осон бой берилади.

Шу боис Мустақиллик нишонига
фақат мукофот деб қарамаслик керак.
У бизга эслатма бўлсин.
Кимгадир:
“Сенинг меҳнатинг қадрланди” , десин.
Кимгадир:
“Сен ҳам бу тарихнинг бир қисмисан” , десин.
Яна кимгадир:
“Ҳали сенинг айтиладиган сўзларинг,
қиладиган ишларинг бор,
Ватан олдидаги қарзинг тугамади” ,
десин.

Чунки Мустақилликнинг 35 йили
фақат ортда қолган йўл эмас, у келажакка,
яратувчиликка берилган омонатдир.

Мен одамларнинг кўксидаги нишонларга
ҳавас билан қарайман.
Лекин энди фақат нишонни эмас,
унинг ортида турган инсонни кўраман.
Нишон олган инсонни ҳам,
олмаган инсонни ҳам.
Чунки иккаласини ҳам бир нарса бирлаштиради –
бу Ватан!

Биринг кўксида –
эътирофнинг нишони.
Иккинчисининг қалбида –
меҳнатнинг қадоғи.
Аммо иккаласи ҳам
Мустақил Ўзбекистон тарихининг тирик саҳифаси.

Кунлар ўтаяпти...
Ўттиз бешинчи йил ҳам тарихга айланаяпти.

Бугунги нишонлар ҳам бир кун
хотирага айланади.
Бугунги инсонлар ҳам
бир кун тарихга айланади.
Аммо биздан кейин қоладиган энг катта нарса
на нишон,
на унвон,
на лавозим.
Балким,
бизнинг Ватанда қандай инсон бўлиб
яшаганимиздир.

Шунинг учун мен ўзимнинг 1992 йилги нишонимни
яна бир бор кўксимга тақаман.
Унга қарайман.
Ва атрофимдаги инсонларни эслайман.
Нишон олганларни ҳам.
Олмаганларни ҳам.
Ҳалол меҳнат қилиб,
умрини жимгина яшаб ўтказаётганларни ҳам.
Қалбида ўтли сўзларини айтиш армони билан яша
ётганларни ҳам.

Шунда мен бир нарсани ҳис қиламан:
Мустақилликнинг ҳақиқий нишони
инсоннинг қалбида ясалади.
У ҳалол меҳнатдан ясалади.
Виждондан ясалади.
Ватанга садоқатдан ясалади.
Ва энг муҳими –
уни ҳеч қандай фармон билан бериш ҳам,
ҳеч қандай фармон билан олиб қўйиш ҳам мумкин эмас.
Чунки у инсоннинг ўзи билан яшайди.

Мустақиллик!
Сенинг ўттиз беш йиллик йўлингга қараб,
ўтган умримга ҳам қарайман.
Мен сенинг биринчи йилингда
кўксимга нишон таққан эдим.
Бугун сен ўттиз беш ёшга кирдинг.
Мен эса ҳали ҳам
ўша хотирага айланган куннинг қувончи билан
яшаяпман.
Фақат энди ўша қувончга
масъулият ҳам қўшилган.

Энди мен Мустақилликдан
фақат фахрланиш эмас,
уни асраш,
қадрлаш,
кейинги авлодга муносиб тарзда етказиш
ҳақида ўйлайман.
Чунки биз Мустақилликни
орзу қилиб кутган авлодмиз.
Ёшлар эса
Мустақиллик билан тенгдош авлод.
Биз уларга хотирани қолдирамиз.
Улар биздан келажакни қабул қиладилар.
Шунда авлодларни боғлаб турадиган занжир
узилмайди.

Мен одамларнинг кўксидаги
Мустақилликнинг 35 йиллиги нишонига
яна ҳавас билан боқаман.
У ялтирайди.
Аммо мен унинг ялтирогида
металлни эмас,
ўттиз беш йиллик умрни кўраман.

Кунлар ўтаяпти...
Ўттиз бешинчи йил ҳам тарихга айланаяпти.
Нишонлар кўксимизда ялтирайди.
Хотиралар қалбимизда қолади.

Ушбу дақиқаларда:
“Биз Мустақилликка муносиб яшаяпмизми?” деган
муҳим савол ўртага ташланади.
Бунга жавобни тарих беради.
Бугун эмас.
Эртага ҳам эмас.
...Бир кун келиб,
фарзандларимиз
бугунги кун тарихига назар ташлайди.
Ўшанда уларнинг сарҳисобида
бизнинг нишонларимиз эмас, балки қилган
ишларимиз бўлади.

Шундагина
Мустақилликнинг 35 йиллиги
бизга берилган тарихий омонатнинг
навбатдаги саҳифаси экани англашилади.

Ва мен ишонаман:
кўксида нишон бор инсон ҳам,
кўксида нишон бўлмаса-да
қалбида Ватан бор инсон ҳам
бу тарихда ўз ўрнига эга.
Чунки Мустақилликнинг энг буюк нишони –
Ўзбекистоннинг эркин ва муносиб фарзанди бўлиб
яшаш демакдир!

ADOLAT
Муассис: “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши

Бош муҳаррир: Ислом ҲАМРОЕВ

Таҳрир ҳайъати:
Баҳром АБДУҲАЛИМОВ, Қодир ЖЎРАЕВ
Наримон УМАРОВ, Озода ПАРПИБОЕВА
Муҳаммад АЛИ, Тошпўлат МАТИБАЕВ
Гавҳар АЛИМОВА, Абдукамол РАҲМОНОВ
Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА, Собир ТУРСУНОВ

QR коди орқали газетанинг электрон вариантини юклаб олинг!

Котибият – 71 288-42-14 (144); 95 096-07-75
Қабулхона – 71 288-42-12 (141)

Газета 1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

Навбатчи муҳаррир – Абдуқаюм Йўлдошев
Масъул котиб – Абдуғани Содиқов

Таҳририят манзили: 100043, Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани “Шарқ тонги” кўчаси, 23-уй.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100

ISSN 2091-5217

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 3 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г – 901

Адади – 4 005
Босишга топшириш вақти – 21.00
Босишга топширилди – 21.10

Баҳоси келишилган нархда

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

“Шарқ” НМАК босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.